*Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг ўн биринчи сессияси*

# СССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1989 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА ВА 1988 ЙИЛГИ ПЛАН ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНИ ҲАҚИДА

## *СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Госплани раиси депутат Ю. Д. МАСЛЮКОВ доклади*

План лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилиш, сўнгра унинг амалга оширилиши ҳам сиёсий система ислоҳ қилинаётган чинакам революцион даврга, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг қарорлари туфайли мамлакатда юзага келган принципиал янги ижтимоий вазиятга тўғри келмоқда. Совет кишилари фаолиятининг ҳамма соҳаларини, ички турмушимиз ва халқаро муносабатларнинг барча томонларини қамраб олган чуқур жараёнлар қайта қуриш деган маънодор ва жўшқин сўзлар билан ифодаланмоқда.

Қайта қуриш меҳнаткашларнинг қудратли ижодий имкониятларини ҳаракатга келтирди, ҳар бир кишида социализмни такомиллаштиришга, социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга ўз ҳиссасини қўшиш иштиёқини кучайтирди. Мамлакатда бир қанча принципиал иқтисодий муаммолар хусусида матбуотда, барча оммавий ахборот органларида, меҳнаткашларнинг кўпгина йиғилишларида ҳар қачонгидан ҳам кенг кўламли мунозаралар бўлиб ўтди. Планни ишлаб чиқишда жамоатчиликнинг фикри имкони борича ҳисобга олинди.

**Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилги Давлат плани — Эндиликда чинакам коллектив ишнинг натижасидир.** Депутатларнинг актив, баъзан жуда ўткир чиқишлари, уларнинг сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилишдаги қатъияти КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумидан кейин жамиятимиз қандай йўл босиб ўтганини, совет кишилари гражданларча ўзлигини англаши, уларнинг давлат қарорларини қабул этишдаги иштироки нақадар ошганлигини яққол кўрсатди. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилги Давлат плани — ҳақиқатан ҳам коллектив ишнинг натижасидир, деб ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкин.

1989 йилги план мамлакат экономикасида беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида эришилган ижобий силжишларни эътиборга олиб ишлаб чиқилди. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида таъкидлаб ўтилганидек, экономика кризисолди ҳолатидан чиққанлиги, халқ хўжалигини соғломлаштириш жараёни бошланганлиги ана шу даврнинг энг муҳим якунидир. Иқтисодий ўсиш суръатлари ошди, саноатнинг негиз тармоқлари барқарорроқ ишлай бошлади, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошмоқда, совет халқининг турмуш шароитлари яхшиланди. Бироқ, мана шу ижобий силжишлар дарров ва осонгина пайдо бўлгани йўқ. Экономикадаги ижобий тенденциялар ўтмишнинг кўпгина сарқитларини бартараф этиб, ўзига йўл очиб бормоқда.

1988 йил мамлакатнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга катта ҳисса қўшмоқда. Экономиканинг жўшқинлиги орта борди. 1988 йилда ҳосил қилинган миллий даромаднинг ўсиш суръати 1987 йилдаги 2,3 процент ўрнига 4,6 процент миқдорида, аҳолининг реал даромадлари 2 процент ўрнига 3,5 процент миқдорида бўлиши кутилмоқда. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигида сезиларли силжиш рўй бермоқда. Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда ижобий натижалар бор.

Бу йил экономикани социал соҳага буриб юборишда олға силжишга муваффақ бўлинганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак. Саноатнинг «Б» группасида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши «А» группасидаги ўсишдан юқорироқ бўлди. Уй-жой ва социал-маданий қурилиш миқёслари анча ошди. Кўп йиллар мобайнида биринчи марта чакана товар оборотининг бажарилиши кутилмоқда. Унинг ўсиши беш йилликнинг дастлабки икки йилидаги ўртача кўрсаткичдан 2,5 баравар юқори бўлади.

Шу билан бирга биз яхшиланиб бораётган мана шу умумиқтисодий кўрсаткичларга маҳлиё бўлмаслигимиз керак. Чунки 1986—1987 йилларда йўл қўйилган қолоқликнинг ўрни ҳали қопланганича йўқ. СССР Министрлар Советининг СССР халқ хўжалигини ривожлантириш бу йилги якунларини кўриб чиқишга бағишлаб яқинда ўтказилган мажлисида таъкидланганидек, экономикадаги чуқур жараёнлар ўтмишдаги бир қанча салбий тенденциялар нафақат заифлашмаётганлигидан, балки ҳатто кучайиб бораётганидан дарак беради. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, йиғиштириб олиш, қайта ишлаш, асраш ва улар билан савдо қилиш соҳасида давом этиб келаётган камчиликлар аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилашга имкон бермади. Енгил саноат кўпгина маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасида ҳали беш йиллик мароми даражасига чиққани йўқ. Машинасозликнинг ривожланиши беш йиллик топшириқларидан орқада қолмоқда.

Инвестиция соҳасидаги камчиликлар суст бартараф этилмоқда. Мамлакатнинг молиявий аҳволи ҳамон жуда мураккаб бўлиб турибди. Давлатнинг харажатлари даромадларидан кўра тезроқ кўпайиб бормоқда. Корхоналар кўрган зарар 11 миллиард сўмга етди.

Мана шу ва бошқа камчиликларни тугатиш 1989 йилги планнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Янги хўжалик механизмини жорий қилиш бу борадаги бош масаладир.

1988 йилда саноат корхоналарининг ярмидан кўпроғи, халқ хўжалигининг бошқа бир қанча тармоқлари тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш асосида ишлади. Туб иқтисодий ислоҳотнинг ҳозирги босқичи ўтиш характерида бўлишига қарамай, тўла хўжалик ҳисоби натижалар бера бошлаганини қайд этиш мумкин. Хўжалик юритишнинг янги принциплари асосида ишлаётган корхоналарда улар фаолиятининг деярли барча иқтисодий натижалари саноатдаги ўртача натижалардан яхшироқ.

1989 йилда барча тармоқлар янги хўжалик механизми шароитида ишлайдиган бўлади.

Бироқ, деди сўнгра докладчи, янги хўжалик механизмининг ҳамма элементлари ҳам корхоналарнинг ишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказа олгани йўқ. Гарчи ялпи кўрсаткичлар корхоналар учун бериладиган план топшириқлари жумласидан чиқариб юборилган бўлса-да, баъзи тармоқларнинг раҳбарлари ва маҳаллий раҳбарлар ҳамон мана шундай кўрсаткичлар орқали ишлаб чиқаришга тазйиқ ўтказмоқдалар. Давлат буюртмаси ҳаддан ташқари кўп берилди. Узоқ муддатли бевосита хўжалик алоқаларини йўлга қўйишда ва улгуржи савдони ривожлантиришда сусткашлик қилинмоқда. Ҳар бир корхонани ижтимоий ишлаб чиқаришга қўшаётган ҳиссасини кўпайтиришга рағбатлантирадиган, меҳнат сифатини оширишдан шахсий манфаатдорликни кучайтирадиган, ходимларнинг интизоми ва масъулиятини мустаҳкамлайдиган иқтисодий муносабат шаклларини жорий этиш лозим.

Бунда гап масалан ижара пудрати сингари иқтисодий муносабатларнинг илғор формаси тўғрисида бормоқда. 1989 йил айниқса қишлоқ хўжалигида ижара пудратининг амал қилиш соҳасини кескин кенгайтириш йили бўлиб қолиши керак. Ижара социалистик мулк асосида омилкор хўжайин билан коллектив хўжаликнинг уйғунлашуви учун шароит яратади.

Бозорни моллар билан мўл-кўл таъминлаш ва аҳолига хизмат қилишни яхшилаш вазифаларини ҳал этишда кооперативларнинг ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи гражданларнинг ҳиссаси ортиб бораверади.

Шундай қилиб, 1989 йилда мамлакат экономикаси мутлақо янги белгилар билан характерланади. Бу йилги план эса мамлакат экономикасининг самаралироқ ишлаши учун зарур бўлган ҳамма шароитларни яратиб бериши керак, албатта. Аввало, 1989 йилги план лойиҳаси асосан меҳнат коллективлари ишлаб чиққан таклифларни ҳисобга олиб тайёрланганини таъкидлаш керак.

Давлат буюртмаларини белгилаш тартиби тўғрисида муваққат низом кучга киритилган эди. Жами ишлаб чиқариш ҳажмида бу буюртмаларнинг салмоғи 1988 йилга нисбатан анча камайтирилган.

Тармоқларни капитал маблағ ва моддий-техникавий ресурслар билан таъминлаш тартиби ҳам ўзгартирилди. Энди корхоналарнинг маблағи ҳисобидан сарфланадиган капитал маблағнинг давлат капитал маблағи умумий ҳажмидаги улуши 1988 йил планидаги 38,4 процентдан 47,1 процентга етказилади. Марказлаштирилган тарзда тақсимланадиган ресурслар миқдори қисқаради. Шундай қилиб, СССР Госплани ва СССР Госснаби марказдаги барча ресурсларнинг ягона соҳиби ва тақсимловчиси бўлмай қолди. Узил-кесил мутаносибликка марказдагина эмас, балки бевосита хўжалик алоқаларини йўлга қўйиш ва улгуржи савдо йўллари орқали жойларда ҳам эришиладиган бўлади.

Планнинг характеридаги мана шу принципиал ўзгаришни ҳали барча корхоналар, министрликлар ва идораларнинг ҳамма раҳбарлари етарли равишда англаб олганлари йўқ. Қўшимча материал-техника ресурсларини ажратиб бериш тўғрисидаги кўпдан-кўп талаблар ва давлат буюртмаларини кенгайтириш ҳақидаги илтимослар шундан далолат бериб турибди. Мустақилликка астойдил интилиб келган корхоналарнинг раҳбарлари янги шароитда ёндош корхоналар билан бевосита алоқаларни йўлга қўйиш учун масъулиятли бўлишга ҳам одатланишлари керак. СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари эса хом ашё етказиб берувчилар билан маҳсулот истеъмол қилувчилар ўртасидаги кооперация алоқаларининг ташкилотчилари бўлиш ролини ўз зиммаларига активроқ олишлари лозим.

СССР Олий Совети палаталарининг доимий комиссияларида депутатлар айтган ҳамма мулоҳаза ва таклифлар, деди сўнгра нотиқ, СССР Госпланида СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош республикалар, деярли барча марказий иқтисодий органлар иштирокида синчиклаб кўриб чиқилиши ташкил этилди.

Шу билан бирга ўтган йиллардан **фарқли ўлароқ** (ўтган йилларда депутатлар кўтарган кўпгина масалаларнинг ҳал этилиши кейинги даврларга қолдирилар эди), ҳозир кўпчилик мулоҳаза ва таклифлар юзасидан бевосита план лойиҳасининг ўзига аниқ-равшан тузатишлар киритилди. Деярли ҳамма принципиал масалалар юзасидан баҳамжиҳат ечимлар топилди.

Аввало планнинг социал йўналишини анча кучайтирган ўзгартишлар ҳақида гапирмоқ керак. 1989 йилда чакана товар оборотини 6 миллиард сўмлик миқдорда кўпайтириб, уни товар ресурслари билан тўла-тўкис мувофиқлаштириш имконияти топилди.

Ишлаб чиқариш капитал маблағларининг самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши натижасида бу маблағларни ноишлаб чиқариш соҳасига қайта тақсимлаб чиқилди. Бу эса уй-жой биноларини фойдаланиш учун бериш топшириқларини дастлабки план лойиҳасига нисбатан 200 минг квадрат метр миқдорида ошириш, шунингдек, мактабгача тарбия муассасаларини ва бошқа объектларни ишга тушириш топшириқларини кўпайтириш имконини берди.

Қоғоз масаласи батафсил кўриб чиқилди. Ҳукумат талаб кам адабиётлар чиқаришни камайтириш, шунингдек идора эҳтиёжлари учун қоғоз лимитларини қисқартириш ҳисобига газетабоп қоғоз, шунингдек матбуот қоғозини кўпайтириш имконини топди. Шу туфайли марказий газета ва журналларга обуна бўлишдаги чеклашларни олиб ташлашга эришилди. 1989 йилда мамлакатда қоғоз ресурсларини кўпайтириш юзасидан газета ва журналларга чекланмаган тарзда обуна бўлишни таъминлашга қаратилган тадбирлар кўрилади.

Депутатларнинг агросаноат комплексини капитал маблағ ва материал-техника ресурслари билан таъминлаш хусусидаги мулоҳазаларини ҳисобга олиш юзасидан катта иш қилинди. Бошқа комплексларга бериладиган капитал маблағни қисқартириш ҳисобига агросаноат комплексига ажратиладиган капитал экспортга ва бошқа истеъмолчиларга юборишни қисқартириш ҳисобига қишлоқ хўжалигига МТЗ ва ЮМЗ тракторларини, юк автомобилларини, скреперларни, автогрейдерларни, шунингдек мотор ёқилғисини, металлни, цементни етказиб беришни кўпайтириш имкониятига эга бўлинди. Қишлоқ хўжалигига минерал ўғит етказиб бериш кўпайтирилди.

Сўнгра докладчининг маълум қилишича, СССР Фанлар академиясининг ва иттифоқдош республикалар Фанлар академияларининг илмий тадқиқот ташкилотларини техника билан қайта жиҳозлаш учун, яъни депутатлар таклиф этганидек, фундаментал фанни ривожлантириш учун маблағлар депутатларнинг талкифига мувофиқ 307 миллион сўм кўпайтирилди. Ҳаво транспортининг пассажир обороти ва хизмат ҳажми кўпайтирилди. Депутатларнинг капитал қурилиш масалаларига оид мулоҳазаларини синчиклаб таҳлил этиш капитал маблағ умумий ҳажмини дастлабки план лойиҳасига нисбатан 3,3 миллиард сўм камайтириб, айни вақтда асосий фондларни ишга туширишни 2 миллиард сўмлик миқдорда кўпайтириш имконини берди, бу эса норматившдан ортиқча чала қолган қурилишлар даражасини камайтиришга олиб келди. Республикаларни иқтисодий ва социал ривожлантириш масалалари юзасидан ижобий ечимлар топилди.

Мана шу ва бошқа бир қанча ўзгартишлар натижасида истеъмол ва жамғарма учун фойдаланиладиган миллий даромад ҳажми планнинг дастлабки нусхасига нисбатан 4 миллиард сўмлик ҳажмда кўпайтирилди. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилги Давлат плани лойиҳасини узил-кесил ишлаб чиқиш план пропорцияларини янада пухтароқ мувозанатга келтириш, экономиканинг социал йўналишини кучайтириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини берди.

Экономиканинг йўналиши социал соҳани кўзлаб анчагина ўзгартирилганлиги 1989 йилги планнинг энг муҳим пропорцияларини белгилаб берувчи асосий хусусиятдир.

Айни вақтда келгусидаги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг моддий-техникавий шароитини яратишга зарар етказган ҳолда ресурсларни социал соҳа фойдасига шунчаки механик тарзда қайта тақсимлаш йўлидан бориб бўлмас эди.

Бу принципиал вазифани пухта таҳлил этиш экономиканинг жўшқинлигини кучайтириш негизидагина бу вазифани ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатди.

Ҳосил қилинган миллий даромадни 1989 йилда бу йилги план даражасидан 3,8 процент, фойдаланиладиган миллий даромадни эса 3,4 процент кўпайтириш кўзда тутилди. Халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларида ҳам анчагина ўсиш кўзда тутилган.

Экономиканинг социал соҳага бурилишини кучайтириш йирик структура силжишларига таянади. Бу гап аввало истеъмол билан жамғарма ўртасидаги фундаментал пропорцияга тааллуқлидир. 1989 йилги план лойиҳасини тайёрлаш пайтида бу масаланинг методик таҳлили анча чуқурлаштирилди, миллий даромаддаги жамғарманинг ўз вазифасига кўра жуда хилма-хил элементларига нисбатан табақалаштирилган, пухта ўйланган ёндашув қўлланилди.

Умуман олганда, план кучайиб бораётган интенсивлаш жараёнини ифодаловчи бир қанча ижобий структура силжишлари билан характерланади. Миллий даромадни ўстиришнинг кўпгина қисми меҳнат унумдорлиги эвазига таъминланади.

Шу билан бирга, халқ хўжалигида ишлаб чиқариш капитал маблағи ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги секинлик билан яхшиланмоқда. Шу боисдан миллий даромадни ҳосил қилишга ишлатиладиган металл ва энергия сарфини камайтириш келгуси йилда беш йиллик топшириқларидан камроқ даражада белгиланган. Корхоналар, ташкилотлар, колхоз ва совхозларнинг зарар кўриш даражаси юқорилиги сақланиб қолаётганлиги ва уларнинг миқдори кўплиги алоҳида ташвиш туғдирмоқда. Халқ хўжалигида зарар кўришнинг мавжудлиги туб иқтисодий ислоҳот талабларига мос келмайди ва бу ҳаддан ташқари салбий муаммони биз шу беш йилликнинг қолган икки йили ичида ҳал қилишимиз керак. Бу ишни ўтказишда мазкур муддатда ишдаги зарар кўришни тугата олмайдиган корхоналарни иқтисодий жиҳатдан бақувват корхоналар билан бирлаштириш, уларни ижарага топшириш, имкони бўлмаган жойларда эса Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунига мувофиқ уларни тугатиш чоралари амалга оширилади.

Мамлакатимизда экономикани қайта қуриш аввало совет кишиларининг манфаатлари йўлида, улар турмушининг барча соҳаларини яхшилаш мақсадида ўтказилмоқда. Шу сабабли 1989 йилги планнинг халқ турмуш даражасини оширишга тааллуқли бўлимларини ишлаб чиқишга план органлари истеъмол, айниқса озиқ-овқат бозори ҳали ҳам мувозанатли эмаслиги ва хизмат соҳаси ривожланмаганлиги оқибатида ҳозирги вақтда жамиятда вужудга келган муайян социал кескинликни эътиборга олиб, айниқса масъулият билан ёндашдилар.

Бу муаммоларнинг ҳаммаси бугун вужудга келгани йўқ. Улар узоқ вақт мобайнида тўпланиб келган эди. Бироқ вужудга келган аҳволнинг янгидан пайдо бўлаётган сабаблари ҳам бор. Тўла хўжалик ҳисобига ўтилиши объектив равишда аҳолининг пул даромадлари кўпайишига олиб боради, ҳозирча бу даромадлар товар ишлаб чиқаришдан илдамроқ кўпаймоқда. Бу — қайта қуриш ҳозирги ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятидир, бу даврнинг чўзилиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди.

Биз мамлакатдаги бутун иқтисодий вазиятни тубдан соғломлаштириш шароитидагина вазиятни ҳақиқатан ҳам яхшилаш, социал кескинликни юмшатиш, ички бозорда сезиларли муваффақиятларга эришиш мумкинлигини тушуниб турибмиз. Бир йил ичидагина бу вазифани ҳал этиб бўлмаслигини яхши уқиб олишимиз керак. Муаммонинг миқёсларидан шу нарса ҳам далолат бериб турибдики, сўнгги учта беш йиллик мобайнида аҳолининг қондирилмаган эҳтиёжи ҳозирги вақтда неча ўнлаб миллиард сўмга етди ва ушбу сессияга СССР ҳукумати жуда катта камомадли давлат бюджетини тақдим этмоқда. Аммо шунга қарамасдан келгуси йил планида мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим соҳаларида аҳволни яхшилаш учун конкрет, катта ва аниқ мақсадга йўналтирилган тадбирлар белгиланган.

Сўнгра докладчи аҳолининг даромадлари ва социал соҳани ривожлантириш соҳасидаги сиёсатни батафсил таърифлаб берди. Социал соҳа манфаатини кўзлаб мамлакат экономикаси структурасини қайта қуришни кучайтириш, халқ хўжалиги ресурсларининг планда кўзда тутилаётган маневри 1989 йилда социал тараққиётнинг аслида барча кўрсаткичлари 1988 йилнинг тегишли топшириқларига нисбатан ҳам, беш йиллик планда мўлжалланган кўрсаткичларга нисбатан ҳам ниҳоятда салмоқли тарзда юқори бўлишига эришиш имкониятини беришини докладчи таъкидлаб ўтди. 1989 йилда аҳолининг реал даромадлари 1988 йил планида белгиланган 2,7 процент ўрнига 3,1 процент ортади. Халқ турмуши даражасининг бошқа кўрсаткичлари ҳам анча ўсади.

Хўжалик юритишнинг янги принциплари пировард натижада меҳнат унумдорлигининг ўсиши ўртача ойлик иш ҳақининг ўсишидан анча илгарилаб кетишига олиб келиши керак. Худди ана шу йўл билангина ички бозорнинг номутаносиблигига барҳам бериш мумкин. Шу боисдан келгуси йили марказнинг ана шу нисбат устидан назорати кучаяди. Иш ҳақи меҳнат коллективлари ҳақиқатан ҳам ишлаб топган маблағлардан таркиб топиши керак.

Аммо бу аҳоли даромадлари соҳасида давлат социал гарантиялардан воз кечилади, деган маънони англатмайди. Аксинча, 1989 йилда мазкур гарантияларнинг роли ортади. Халқ турмуш даражасини ошириш юзасидан давлатнинг марказий тадбирларини амалга оширишга беш йиллик пландаги 3,7 миллиард сўм ўрнига 4,2 миллиард сўм сарфлаш кўзда тутилмоқда. Ана шу маблағлар ҳисобига ходимлар бир қанча категорияларининг иш ҳақини оширишни давом эттириш мўлжалланмоқда.

Шу беш йилликдаги уй-жой қурилиши планларида 2000 йилга қадар амалда ҳар бир совет оиласини алоҳида квартира ёки уй билан таъминлаш юзасидан КПСС XXVII съездида қўйилган вазифа назарда тутилаётганлиги таъкидланди. Ҳисоб-китоблар бу вазифа батамом реал эканлигини кўрсатиб турибди.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ва КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил июль Пленуми қарорларига мувофиқ 1989 йил плани лойиҳаси ишлаб чиқилаётганида халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш масалаларига ва аввало озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга алоҳида эътибор берилди.

СССР Министрлар Совети 1988—1990 йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва ана шундай маҳсулотлар билан аҳолини таъминлашни яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирларни ишлаб чиқди. Қишлоқдаги иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириш ва барча ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бу соҳадаги асосий резервдир. Бу ўринда гап ижара пудратини кенг ривожлантириш, деҳқоннинг ердан бегоналашувига барҳам бериш, уни чинакамига омилкор хўжайинга айлантириш ҳақида бормоқда.

СССР Давлат план комитети 1989 йил планини ишлаб чиқишда аҳолининг халқ истеъмол моллари ва хизматларга эҳтиёжини тўлароқ қондириш муаммосини ҳал этишда реал бурилишга эришиш зарурлигига асосланди. Енгил саноат корхоналарини техника билан қайта жиҳозлашни жадаллаштириш учун жуда катта чора-тадбирлар кўрилмоқда. 1989 йилда узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар орасида рангли телевизорлар, видеомагнитофонлар, мебель, боғ ҳовли учун уйлар, мотоблоклар ва мотокультиваторлар ишлаб чиқаришда энг юқори ўсишга эришиш мўлжалланмоқда.

Сўнгги вақтда пулли хизматнинг ўсиш суръатлари кескин ортди. 1989 йилда аҳолига кўрсатиладиган пулли хизмат ҳажми 8,1 процент ўсади.

Докладчи экология масалаларига батафсил тўхталди. Ҳозирги вақтда, деб таъкидлади у, ана шу муаммолар жуда кескинлашиб кетди ва жамоатчилик ҳамда аҳоли кенг қатламларининг ҳақли танқиди боиси бўлмоқда. Сўнгги даврда гарчи осон бўлмаса ҳам бир қанча конкрет, объектив зарур қарорлар қабул қилинди. Бу ўринда гап атроф муҳитни ифлослантираётган бир қанча ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйиш, корхоналарнинг профилини ўзгартириш, тозалаш иншоотлари қуриш ҳақида бормоқда.

Планда экологик вазиятни яхшилашнинг жуда катта программаси белгиланган. 1989 йилда аслида мамлакатни 2005 йилгача иқтисодий ва социал ривожлантириш концепцияси лойиҳасида баён этилган узоқ муддатга мўлжалланган табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга киришилади.

Шундан кейин докладда ижтимоий ишлаб чиқариш моддий базасини таъминлайдиган тармоқларни ривожлантиришнинг муаммолари батафсил кўриб чиқилди. Аввало, машинасозлик комплексида тагзаминли сифат силжишлари бўлиши мўлжалланмоқда. Техника ва материалларнинг 300 та янги энг муҳим турини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва етказиб бериш назарда тутилмоқда.

Совет экономикаси тараққиёти ҳозирги босқичининг ўн иккинчи беш йилликда юзага келган характерли хусусияти ёнилғи-хом ашё тармоқларининг илгаригига нисбатан барқарорроқ ўсишидир. 1989 йил плани ана шу ижобий тенденцияни мустаҳкамлайди.

Металлургия комплекси маҳсулотининг кўп турлари бўйича ҳам 1989 йил планидаги кўрсаткичлар беш йиллик топшириқларидан юқоридир. Мазкур комплексни ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш учун зарур капитал маблағлар ажратилган.

1989 йилда химия-ўрмон комплекси тармоқларини, айниқса химия ва нефть химия саноатини янада ривожлантириш мўлжалланмоқда.

Транспортни ривожлантириш, деб таъкидланди докладда, умуман мамлакатда ҳам, мамлакатнинг айрим регионларида ҳам аҳолининг ва халқ хўжалигининг юк ташишга бўлган эҳтиёжини яна ҳам тўлароқ, сифатлироқ ва ўз вақтида қондиришга қаратилган. Пассажир ташиш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини оширишга асосий эътибор берилади.

Докладчи алоқанинг ривожлантирилиши асосан аҳолини телефон алоқаси ва кўп программали телевидение билан таъминлаш вазифаларини ҳал этишга, газета, журналлар етказиб беришни жадаллаштиришга қаратилишини таъкидлади.

Докладчи капитал қурилиш программасига батафсил тўхталиб, келгуси йилнинг объектларини ишга тушириш программаси асосан корхоналар, ташкилотлар, маҳаллий органларга ишлаб чиқариш ва социал соҳани ривожлантириш масалаларини мустақил ҳал этиш ҳуқуқи берилган шароитда жойларда тузилганлигини ҳамда капитал маблағлар билан тўла таъминланганини таъкидлади. Айни вақтда кўпгина объектлар қурилишини тўхтатиб қўйишга тўғри келди. Корхоналарнинг ўзлари ишлаб топган маблағлар ҳисобидан хўжалик усулида қурилишни амалга ошириш тўғрисидаги таклифларига алоҳида эътибор берилди.

СССРнинг ташқи иқтисодий алоқаларида социалистик мамлакатлар билан, аввало Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишга устун даражада аҳамият берилади. Ҳозир ўтказилаётган ташқи иқтисодий алоқаларни бошқаришнинг ислоҳоти алоҳида аҳамият касб этади. Бу ислоҳот СССРнинг чет мамлакатлар билан ташқи иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтиришга, самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Докладчи иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий ва социал тараққиётини таҳлил этар экан, иттифоқдош республикаларни иқтисодий ва социал ривожлантириш планлари территорияларни комплекс ривожлантиришда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ва маҳаллий Советларнинг роли ва масъулиятини оширишни таъминлайдиган янги принциплар негизида ишлаб чиқилганлигини таъкидлади. Бу планларни иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР министрликлари ва идоралари, республикалар территориясида жойлашган корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг иштирокида, Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунига мувофиқ ишлаб чиққанлар. Барча республикалар планларининг лойиҳаларида планларнинг социал муаммоларни ҳал этишга қаратилишига риоя қилинган. Республикаларнинг 1989 йилга мўлжалланган халқ хўжалик комплексларидаги барча мутаносиблик ва структура силжишлари ана шу мақсадга бўйсундирилган.

Пировардида Ю. Д. Маслюков қуйидагиларни айтди:

1989 йилги планни муҳокама қилиш давлат ҳокимияти органлари системаси ислоҳотини умумхалқ муҳокамаси билан бир вақтга тўғри келди. Меҳнат коллективларининг ташаббуси билан бирлашган барча даражадаги Советларнинг тўла ҳокимияти совет жамияти турмушининг барча соҳаларини қайта қуришга янги қудратли омил бахш этади.

**(Қарсаклар).**

(ТАСС).

**Доклад қисқартириб эълон қилинмоқда.**

---

### ЧКП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АЪЗОСИ, ЧССР ҲУКУМАТИНИНГ РАИСИ Л. АДАМЕЦНИНГ СССРга ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИГА ДОИР

ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг раиси Ладислав Адамец шу йил октябрь охирлари ва ноябрь ойининг бошида қисқа амалий визит билан Совет Иттифоқига келади.

## ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШМОҚДАЛАР

Мали халқи демократик союзининг делегацияси Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Делегацияга марказий ижроия бюросининг иқтисодий масалалар бўйича секретари Диакит Дианка Каба бошчилик қилмоқда. Меҳмонлар мамлакатимизга КПССнинг қишлоқ хўжалиги ва кооператив ҳаракатига раҳбарлиги тажрибаси билан танишиш учун келишган.

Делегация аъзолари Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бўлишди. Улар Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига боришди, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечиришди.

27 октябрь куни Малидан келган делегацияни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Д. Д. Берков қабул қилди. Суҳбатда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика Давлат агросаноат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков қатнашди.

Меҳмонлар Тошкент ва Сирдарё областларининг колхозлари ва совхозларига, Самарқандга борадилар.

(ЎзТАГ).

## Ҳамкорлик кенгаймоқда

Хитой Халқ Республикасининг Синьцзян-Уйғур автоном райони фан ва техника комитети раисининг ўринбосари Чжан-Юе-Чжи бошчилигидаги шу автоном район делегацияси Ўзбекистонда бўлди.

Меҳмонлар бир қанча илмий муассасалар ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларига бордилар, олимлар, мутахассислар билан суҳбатлашдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси И. Искандаров делегация аъзоларини қабул қилди.

Бўлиб ўтган учрашувлар натижасида пахтачилик, боғдорчилик, узумчиликда ва бошқа бир қанча тармоқларда биргаликда олиб бориладиган ишлар тўғрисида аҳдлашувга эришилди.

(ЎзТАГ)

